





Президент Шавкат Мирзиёев темир йўл транспорти ходимлари кўни муносабати билан ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.



Ўзбекистон тарихида биринчи бор АКМАЛ САИДОВ БМТ инсон ҳуқуқлари кўмитасига аъзо бўлди.



ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ Ўзбекистон энергетика сектори ва молия бозорини қўллаб-қувватлашга 400 миллион доллар ажратди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАР БИР ИНСОН ТАҚДИРИДА АКС ЭТАДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Туманинг Пумуқ шаҳарчаси Маданият марказида "маҳалла еттилик" вакиллари ва оқсоқоллар билан суҳбатлашилди. Чегараолди ҳудудда жойлашган шаҳарчада ўзбек, туркман, тожик, араб, татар каби турли миллат ва элат вакиллари азалдан дўст, қардош бўлиб яшаб келишади. Аҳоли билан суҳбатда билдирилган бандлик, йўл қурилиши, тиббиёт муассасасини таъмирлаш ва жиҳозлаш каби масалалар бўйича туман сектор раҳбарлари билан биргаликда вазифалар белгилаб олинди.

Маданият маркази фаолияти, у ерда яратилган шароитлар билан танишилди. Бу ерда республиканинг таниқли санъаткорлари иштирокида концерт дастурлари, спектакллар ташкил этилиши бўйича топшириқ берилди.

Кейинги манзил — Қарши тумани. Қаҳрамон Куронбоев "Қаҳлак" маҳалласидаги дала майдонида деҳқончилик қилаётган ёшлар билан суҳбатлашди. Бу ерда 20 нафар ишсиз, миграциядан қайтган ёшга 50 сотихдан, жами 10 гектар ер бўлиб берилган. Айни пайтда экилган қовун-тарвузлар ҳосилидан ёшлар яхши даромад олишмоқда. Самимий суҳбат давомида ердан самарали фойдаланиш, такрорий экилар экиш орқали даромадини янада ошириш, етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун кўчма дўкон ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди.



Қашқадарё вилояти ҳокимлигида маҳалла сервис компанияларини ташкил этиш бўйича йиғилиш ўтказилди. Унда уюшманинг вилоят бошқармаси, шаҳар, туман бўлимлари раҳбарлари, маҳалла раислари ва тадбиркорлар иштирок этишди.

Айтиш керакки, Қашқадарёда намуна сифатида дастлаб шаҳар ва туманларда биттадан, жами 16 та ҳовли жойли маҳаллада сервис компанияларини ташкил этиш белгиланган. Йиғилишда бу борадаги тайёргарлик жараёнлари, вазифалар ижроси бўйича ҳисоботлар тингланди. Муаммолар ечими юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилиб, сервис компаниялар раҳбарларига фаолиятни ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Таъкидланганидек, маҳалла сервис компанияларининг ташкил этилиши нафақат ҳудудлар ободлиги учун, балки ишсиз, касб ҳунари бўла туриб чет давлатларда юрган фуқароларнинг ўз маҳалласида иш билан таъминланишида муҳим аҳамиятга эга.

Умуман олганда, таширф давомида қўллаб-қувватлаш муҳокима қилиниб, одамларни қийнаётган муаммолар тинчланган, ечими бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ҳар бир мурожаат бўйича алоҳида шуғулланиш учун масъуллар тайинланди.



ТАЖРИБА

«ЮКСАЛИШ» ЮРТИМИЗДА КЕНГ ҚУЛОЧ ЁЗДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Бунинг ечими сифатида Президент қарори асосида тажриба тарихида 208 та маҳаллада (ҳар бир туман (шаҳар) кесимида биттадан) "Маҳалла сервис компанияси" ташкил этилди. Боғдод туманидаги "Юксалиш" маҳалласидан бошланган тажриба бугун республика бўйлаб кенг қулоч ёйган.

Қарор ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 17 та маҳалла сервис компаниялари ташкил этилди. Хусусан, Тахтақўпир туманидаги "Қора ой" маҳалласида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходимлари "маҳалла еттилиги" ҳамда сервис компанияси вакиллари билан учрашди. Унда Президент қарори мазмун-моҳияти, компания мажбуриятлари, берилган солиқ имтиёзлари ва бошқа энгилликлар хусусида тушунча берилди.

Бухоро вилояти маҳаллаларида сервис компаниялари ташкил этиляпти. Хусусан, Қоровулбозор туманидаги "Бўзачи" маҳалласида шундай тузилма иш бошлади. Тадбиркор Шахло Ҳақимова ташкил этган "Бўзачи маҳалла сервис компанияси" эндиликда аҳолига 20 дан ортиқ хизмат турларини кўрсатади. Бу аҳолининг ҳам вақтини, ҳам нақдини тежашга хизмат қилади.

— "Бўзачи маҳалла сервис компанияси"да ҳозирча 8 нафар маҳалла аҳолиси бандлигини таъминлаб, ишга қабул қилдик, — дейди тадбиркор Шахло Ҳақимова. — Уларга ўртача ҳисобда 2 миллион сўм ойлик маош берилади. Бундан ташқари, пуллик хизмат кўрсатишдан тушган даромаднинг 70 фоизи ишчининг ўзига устама сифатида тўланади. Бизга солиқ имтиёзлари берилгани, қолаверса, ходимларнинг даромад солиғидан озод этилгани, Уюшма керакли техник воситалар ва ускуналар билан таъминлаши янги тизимни тартибли, самаран

ли йўлга қўйиб олишга хизмат қилади.

Сурхондарё вилоятининг барча туман (шаҳар)ларида биттадан "Маҳалла сервис компанияси" ташкил этилди. Хусусан, Термиз шаҳридаги "Темир йўлчи" маҳалласида иш бошлаган "Темир йўлчи маҳалла сервис компанияси" МЧЖ ҳудуддаги икки қаватли бинони ижарага олиб, ишга қабул қилинган 4 нафар ходим билан фаолият бошлади. Уларнинг самарали хизмат кўрсатиши учун компания 15 турдаги ҳар хил жиҳозлар билан таъминланган.

— Воҳода ташкил этилган сервис компаниялари маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинди, — дейди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи Шерўлат Бойқулов. — Уларга маҳаллада истиқомат қилдириган, вақтинча ишсиз, мавсумий ишларга чиқадиган фуқаролар ишга қабул қилинди. Сервис компанияси ҳудуд ободлигини таъминлашда фуқаролар йиғинининг бюртмаси ва назорати асосида ишлаб, ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш хизматларини бажарди.

Айтиш керакки, вилоятда сервис компаниялари ишини самарали йўлга қўйишда айрим маҳаллалар етарли иш тажрибасига эга бошқарув сервис компанияларига қўшиб берилди. Масалан, Шеробод туманидаги "Дехқонрик" маҳалласида "Шеробод обод — қўркам ҳаёт" МЧЖ ташкил этилиб, хизмат кўрсатиши учун маҳалладаги бўш турган бино ажратилди. Беш ишчи ходим ишга қабул қилинди. Ҳар хил турдаги асбоб-ускуна ва жиҳоз билан таъминланди.

Айни пайтда ҳудудларда сервис компанияларини ташкил этиш ишлари давом этипти. Мавжудлари аллақачон сифатли хизматлари билан одамлар ишончига кириб борапти. Асосийси, маҳаллалар обод бўлиб, аҳоли мурожаатлари тезкор ечим топмоқда.

“ЕТТИЛИК” ВАКИЛИ ХАЛҚНИ ЯХШИ КЎРИШИ КЕРАК

Манзура опани кўпчилик яхши танийди: у киши кўпгина тадбирларда, пойтахт маҳаллаларини ўрганиш жараёнларида бир неча марта Юртбошимизга ҳамроҳлик қилган, маҳаллалар ободлиги, инсон омилли, юрт фаровонлиги ҳақида ўз фикр ва таклифларини билдирган. Ҳўш, ислохотлар марказида юрган Манзура опа раислик қилаётган Шайхонтоҳур туманидаги "Янгиобод" маҳалласида нима гаплар?

Марям АҲМЕДОВА.

Айни пайтда мазкур маҳалладаги мавжуд 626 та хонадонда 6 431 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда.

2010 йилдан буён маҳалла раислигини, 2017 йилдан буён "Қамолон дарвоза" ва "Янгиобод" маҳаллалари округида маҳаллий Кенгаш депутати вазифасини удралаб келаётган Манзура Валиевани нафақат пойтахтда, балки республикада ҳам яхши билишади.

Манзура опа маҳалла раиси сифатида иш бошлаган илк кунларданок маҳалладаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламни ўрганиш ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратди. Аҳоли муаммоларини бартарф этишда хонадонларда юриб, яшаш шароитларини ўрганиш, муаммолар-



га ечим топди. Бошига мусибат тушган инсонларнинг ёнида бўлди, йиқилганини суяди, уйсизларни уйли қилди.

— Президентимиз жамиятнинг асосий пойдевори — маҳалла эканини ҳар гал таъкидлайди, — дейди Манзура опа. — Шунга қўра, унга қатор ваколатлар берилди, "еттилик" тизими асосида маҳаллада ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи қолмади. Биз, маҳалла вакиллари бундай ишончга муносив бўлиш учун жонқуярлик билан ишлашимиз, ҳар бир фуқаронинг дардини ўзимиздан ўтказиб, ҳал этиш чорасини кўришимиз, маҳаллани ислохотлар марказига айлантиришимиз лозим. Одамлар маҳалладан рози бўлса, давлатдан розилиги, ўзгаришларга ишончи ортади.

Манзура опа ҳар тонг "Маҳал-

лам тинчмикин?", деган ўй-хаёллар билан уйғонаркан, маҳалласи ҳақида ўйлаш ўзининг онгу шуурига сингиб кетганини ҳис қилади. Халқнинг дарду ташвишлари билан яшайди. Айниқса, ёшлар билан суҳбатлашмиш, орзуларига туртки бериш, қийналганларни қўллаб-қувватлашдан унинг қалби таскин топади.

— Маҳалла тизимидаги тажрибамдан келиб чиқиб, айрим фикрларимни боён этсам, — дейди Манзура Валиева. — Биринчи навбатда "еттилик"ка эътиборни қучайтириш лозим. Унинг аъзоси малакали, ташаббускор, ҳамма билан қиршимли мутахассис бўлиши керак. Масъулиятни ҳис қилиши, халқни яхши кўриши, унинг дардини ўзиники каби қабул қилиши муҳим. Шунда муаммолар ечимига тегаран куз билан қарайди.

Одамлар маҳалладан рози бўлса, давлатдан розилиги, ўзгаришларга ишончи ортади.

МАНЗАРА

"Маҳалла еттилиги" фаолиятида ўзаро аҳиллик, бир-бирини тушуниш катта аҳамиятга эга. Бу ўринда маҳалла раиси уларга бош бўлиши, жамоани бирлаштири олиши лозим. Раис "еттилик" аъзосининг қаерда эканини билмаса, уларни бир мақсад сари йўналтири олмаса, ишни тўғри йўлга қўйиш имконсиз. Шунинг учун маҳалла раиси ақл-фаросатли, билимли, керак бўлса, ҳар бир ходимнинг йўналишидан хабардор бўлиши талаб этилади.

Тизимда яхши ўзгаришлар кўп, бироқ бунга қўшимча равишда қозғозбозликни қамайтириш, турли жадаваларни тўлдиришни бас қилиш, ортиқча текшир-текширларга барҳам бериш керак.

Маҳалламизда ўтган йили ва жорий йилнинг олти ойида ёшлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажралишлар кузатилмади. Шаҳар шароитида бунга қандай эришдик? Энг аввало, оилавий низо газак олмасдан маҳалла оилага кириши керак. Эр-хотин, қайнона-келинега индивидуал ёндашиш зарур. Бу ўринда ҳар бирининг характери, феъл-атворидан келиб чиқиб суҳбатлашиш лозим. Тажрибамда ҳар икки томонни бирдек тинглаш учун вилоятларга — келин ё қўёнинг ота-онаси билан учрашишга борган пайтларимиз бўлган. Керак бўлса, аёл ёки эрнинг ишлайдиган ташкилотини ёрдамга чақирганимиз. Масаланнинг таг заммига кирмас экансиз, муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Манзура Валиеванинг камтарона меҳнатлари эътироф этилиб, "Фидокорона хизматлари учун" орденига муносиб қўрилган. Бундан ташқари, "Маҳалла ифтихори", "Меҳнат фахрийси", "Халқ таълими аълочили" ва бошқа медал ҳамда нишонлар кўксини безаган.

ЖАРАЁН

Ютуқлар ўзимизники, АММО КАМЧИЛИКЛАР БИЛАН МУРОСАГА БОРИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг худудий бошқармаларида "маҳалла еттилиги"нинг олти ойлик фаолиятига доир ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтди

Фарғона вилоятида жорий йилнинг ўтган даврида "еттилик" ташаббуси билан 13 098 нафар фуқарога 226,6 млрд. сўм имтиёзли кредит, ижтимоий дафтарларда рўйхатда турувчи 2 350 нафар ишсиз аҳолига 12,3 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилди. 1 062 та маҳаллага бириктирилган банklar билан ҳамкорликда 30 056 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Юқоридаги рақамлар Уюшманинг вилоят бошқармаси бошлиғи А.Зиёвуддиннинг маълумотида келтирилди. Январь-июнь ойларида мавжуд маҳаллаларнинг 598 тасида ёки 56,3 фоизда умуман жиноят содир этилмаган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59,4 фоизга ёки 223 тага яхшиланган. Шу билан бирга, йиғилишда жиноятчилик сони ошган маҳаллалар фаолияти танқид қилиниб, керакли тавсиялар берилди.

Сурхондарё вилоятида олти ойлик якунларига бағишланган йиғилиш танқидий-тахлилий руҳда ўтди. Унда шу давргача маҳалла тизимида амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берилиб, айрим камчиликларни бартарф этиш зарурлиги уқтирилди.

Қайд этилганидек, "Қоғозсиз иш юритиш"ни ташкил этиш мақсадида бошқарма, 15 та туман (шаҳар) бўлимлари ва 724 та маҳаллада ҳужжатлар электрон шаклга ўтказилди. Шундай бўлса-да, ҳозирги кунга қадар бошқарма юборган айрим вазифа ва ҳужжатлар маҳаллага етиб бормаяпти. Баъзи масъул шахслар ҳужжатларнинг электрон шаклини очиб ҳам кўрмаган. Худди шундай, 724 та маҳаллага банк масъуллари бириктирилиб, 62 085 нафар ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш режа қилинган, шу кунга қадар 44 012 нафар (71 фоиз) фуқаро ишли бўлди. Бу борада айрим маҳаллаларда ишлар етарли даражада ташкил этилмагани қайд этилди.

Йиғилишда "маҳалла еттилиги"нинг ўзаро ҳамкорлигини, ҳамфикр фаолият юритишини таъминлаш зарурлиги, бу ҳолат маҳалладаги муҳитга, белгиланган вазифалар ижросига масъулият билан қарашга ундаши таъкидланди.



Тошкент вилоятида ўтган олти ой давомида 432 та (42 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан, 160 таси (16 фоиз) оилавий ажралишлардан, 56 таси (5 фоиз) ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. 2025 йил май ойида бўлиб ўтадиган маҳалла раислари сайловида тайёргарлик кўриш мақсадида мавжуд 1 025 та маҳаллага 3 075 нафар номзодлар захираси шакллантирилди. Бу ҳақда Уюшманинг вилоят бошқармасида ташкил этилган йиғилишда қайд этилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, "маҳалла еттилиги" аъзолари фуқаролар йиғинларида ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар ҳисобот бериши белгиланган. Аммо Оҳангарон, Зангиота, Чиноз туманлари ва Олмалик, Бекобод, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарларида "еттилик"нинг ҳисобот бериши якунига етказилмаган.

Шу билан бирга, айрим туман ва шаҳарларда "Омбор дафтари"га киритилган ишсизлар бандлигини таъминлаш ишлари суист ташкил этилгани, баъзи маҳалларда раис лавозими вакант бўлгани ҳолда, сайлов ўтказиш кечиктирилгани, географик жойлашуви бўйича маҳаллаларни бирлаштириш ва ихчамлаштириш бўйича айрим ҳудудларда таклифлар берилмагани танқид қилинди. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича тушунтиришлар берилди.

Самарқанд вилоятида ташкил этилган ҳисобот йиғилишида ютуқ ва камчиликлар кўрсатиб ўтилди, келгусида қилиниши режалаштирилган ишлар белгилаб берилди. Хусусан, жорий йил якунига қадар 14 670 та оилани камбағалликдан чиқариш, банklar билан ҳамкорликда 1 126 та маҳалланинг ҳар бирида 10 тадан микролойҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

"Сайхунобод тажрибаси" асосида 6 638 та кам даромадли хонадонга жами 147,2 млрд. сўм миқдорида 7 хил лойиҳа пакетларини тақдим қилиш, 30 057 та янги иш ўринларини яратиш, жиноятчилик кўрсаткичлари юқори бўлган 80 та маҳаллада профилактик ҳисобда турган 425 нафар шахс билан манзилли ишлаш, 92 та маҳалланинг кириши ва чиққиш жойларига кузатув камераларини ўрнатиш, мурожаатлар сони ошган 247 та маҳаллада уйма-уй юриб ўрганишлар олиб бориш — асосий вазифалардан. Шунингдек, маҳалла бюджетига 78,9 млрд. сўм йўналтириш, 26 та маҳаллага янги бино қуриш, 22 тасини жорий, 15 тасини капитал таъмирлаш, 29 тасини реконструкция қилиш режалаштирилган.

"Маҳалла еттилиги"нинг олти ойлик фаолияти якунларига бағишланган йиғилишлар қолган ҳудудларда ҳам ташкил этилди.



Ўзбекистоннинг ХОРИЖДАГИ КОНСУЛЛИК МУАССАСАЛАРИГА 192,5 мингдан ортиқ мурожаат қабул қилинган.



Йўналишларни белгиланган муддатгача танламаган абитуриентлар ОЛИЙГОҲЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.



Рақобат қўмитасининг маълумотига кўра, Қашқадарёда 4 та туман ҳоқими ҚОНУН ТАЛАБЛАРИГА ЗИД ҳужжатларни қабул қилган.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ МИНБАРИ

Аввал ёзганимиздек, ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчиларининг тажриба, ташаббус, таклифни ўрганишни давом эттирамиз. Бу гал Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллалар ҳоким ёрдамчилари фаолияти билан танишдик, таклифларини ўргандик.

## “Баҳолаш тартибига ўзгартириш киритилса...”

Дастлабки суҳбатдош — Амударё тумани Амир Темур номидаги маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси Темур Оллоберганов. Худудда 2 340 нафар аҳоли яшайди. Асосий “драйвер” — боғдорчилик. Мутахассис илк таклифни “ўсиш нуктаси”дан келиб чиқиб, билдирди. Таъкидлашча, худудда 19 та йирик боғдорчилик ҳўжалиги бўлиб, етиштирилган маҳсулот фақат ички бозорда сотилади.

**Таклиф:** Манфаатдорликни янада ошириш, даромадни кўпайтириш мақсадида мева-сабзавотларни хорижга экспорт қилишни йўлга қўйиш лозим. Бундан ташқари, хомашёни қайта ишловчи корхона ташкил этилса, янги иш ўринлари яратилади. Шунингдек, кредит лимитини кўпайтириш керак. Жорий йил маҳаллага 1 миллиард

сўм кредит маблағи ажратилган. Йирик боғ эгаларига камида 200-300 миллион сўм маблағ зарур. 33 миллион сўм кредит билан натижага эришиш имконсиз. Агар 200 миллион сўмдан кредит берилса, 5 нафар аризачи билан лимит тугаб қолади.

Темур Оллобергановнинг навбатдаги таклифи — ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КР) бўйича баҳолаш тартибига ўзгартириш киритиш лозим. Амалдаги тартибга кўра, олис ҳудудлардаги ҳоким ёрдамчиси билан шаҳардаги мутахассисга бир хил талаб қўйилган. Масалан, Амир Темур номидаги маҳаллада ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тўсиқ мавжуд — худудга табиий газ тармоғи тортилмаган. Аммо баҳолашда ишлаб чиқариш сони камлиги учун ҳоким ёрдамчисининг бали пасайиб кетмоқда.



## “Оғир ҳудуд эканимиз инобатга олинмайдими?”

Беруний тумани Абай номидаги маҳалланинг ҳоким ёрдамчиси Расул Матчоновиқнинг фикрича, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш учун барча имконият яратилган. Аммо кўрсаткичларни янада яхшилаш мумкин.

**Таклиф:** Маҳалла туман марказидан 45 км. олисда жойлашган оғир ҳудуд тоифасига кириди. Шунинг билан олиб, “ўсиш нуктаси”ни ривожлантириш учун қишлоқ ҳўжалиги, деҳқончилик ва иссиқхона йўналишида грант маблағ, ссуда ажратилса, натижа янада яхшиланади.

Фуқаролар меҳнат миграциясига Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигидан юборилмоқда. Расул Матчоновиқнинг навбатдаги



таклиф шу бўйича. Амалдаги тартибни ўзгартириб, фуқаролар ҳоким ёрдамчиси платформасига киритилиши ва унинг тавсияси билан хорижга юборилиши керак. Чунки ҳозир ким қаерда ишлаётгани, ижтимоий аҳоли ҳақида маҳаллада ҳеч қандай маълумот йўқ.

ТАЖРИБА, ТАКЛИФ, ЕЧИМ



## Кредит бор, фоизи паст, АММО чеклов ўрнатилган

Маҳаллада янговчи 2 367 нафар аҳоли ишбилармонлиги, тадбиркорлиги ва омилкорлиги билан оқлавланган даромадини ошириб бормоқда. Айни пайтда 102 та тадбиркорлик субъекти самарали фаолият юритаётгани фикримиз неботидир. Ҳамма ўз иши билан банд. Бирорта бекор юрган ёш ёки кексаки учратмайсан. Биномумс ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиги (картошка, сабзавотчилик, кўкаг, дуккакли экни) йўналишининг “драйвер” соҳа сифатида белгилаб олганмиз. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида худудда тадбиркорлик ташкил этилган. Бу ерда тадбиркорлар учун имтиёзли жой ажратилган.

Илҳом ИСАЕВ, Шахрисабз туманидаги “Хонтепа” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

хусусий корхонасини ташкил қилиб, 4 нафар оила аъзосининг бандлигини таъминлаган. Корхонада турли ширинликлар ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳалла аҳолиси томорқачиликда ўзига хос тажрибага эга. Ҳар қарич ердан унумли фойдаланилади. Масалан, Музаффар Давронов ҳовлисидаги 2 сотих майдонда иссиқхона ташкил қилиб, қулупнай ва лимон парваришлайди. Қулупнайдан 80 миллион сўм даромад олди. Лимон кузда тайёр бўлади. Бундан ташқари, омилкор деҳқон 10 сотих дала ҳовлисидаги иссиқхонада бақлажон эккан. Ўтган йили булғор қалампирдан юқори даромад бўлса, шу кунга қадар уч тоннадан зиёд бақлажон сотди. Тадбиркор 10 тоннага яқин ҳосил олишни мўлжаллаган.

Муаммо шундаки, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, жисмоний шахсларга 33 миллион сўмгача маблағ ажратиш белгиланган. Шунингдек, дастурга асосан, юридик шахслар 300 миллион сўмгача маблағ олиши мумкин. Афсуски, ҳозир фақат жисмоний шахслар учун кредит йўналиши очиб бўлиб, тадбиркорларнинг аризасини платформага киритиш тўхатиб қўйилган.

Маълумки, ҳар бир маҳаллага тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари ходимлари масъул этиб бириктирилган. Улар хоҳловчиларга кредит тавсия этишмоқда. Маҳалламизга “Ўзсано-атқурилишбанк” ходимлари бириктирилган. Улар аҳолига 23 фоизли кредит тавсия этмоқда. Биз тавсия этаётган кредит фоизи — 18. Табиийки, аҳоли паст фоизли кредит олишини истайди. Аммо чеклов борлиги учун барча аризаларга тавсиянома беролмаяпмиз.

Шу сабабли маҳаллага бириктирилган тижорат банкнинг ажратадиган кредит миқдори 18 фоизга тенглаштирилса, тадбиркорлар сафи янада кенгайди.

Бундан ташқари, меҳнат стажига ҳисоблашни учун ўзини ўзи банд қилган шахслар йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир бараварида ихтиёрий тартибда ижтимоий солиқ тўлайди. Бу ҳозирги кунда 340 минг сўмини ташкил этади. Шу тўловни йил довомида оғига бўлиб тўлашни йўлга қўйиш керак. Бу — ишсиз фуқароларга қулайлик туғдиради. Баъзи вазиятда йил домида 340 минг тўланган кейинги ойда доимий ишга жойлашса, маблағга қуйиб қолмайди.

Юнус Меликулов ўзининг “YUWS WIRE MESH” оилавий корхонасида ҳар хил турдаги темир панжара ишлаб чиқаради. 8 та янги иш ўрни яратган. 2021 йилда ўз ҳовлисида фаолиятини бошлаган ёш тадбиркор соҳага тасодифан келиб қолмаган. Дастлаб турли ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб, 10 йил тажриба тўплади. Саноат худудидан жой ажратилиши ортидан бизнеси кенгайди. Хитойдан замонавий ускуналар келтирилди. Аввал ойига икки тонна симни қайта ишлаган бўлса, ҳозир бу рақам 10 тоннага етди. Корхонада 20 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Яна бир ишбилармон — Камолитдин Набиев. У “Азизов Фатҳиддин” хусусий корхонасига асос солган. Бу ерда йодланган туз ва қадоқланган ичимлик сув ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур лойиҳани амалиётга татиқ этиш натижасида 12 та иш ўрни яратилди. Тадбиркор Маъруф Умаров “Кеш стар”

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бунёд ШЕРМАТОВ. Бекобод туманидаги “Бешоз” маҳалласи.

— Яқинда бир танишимнинг имтиёзли кредитини мақсадсиз ишлатилган, деб банк қайтариб олди. Ваҳоланки, ҳоким ёрдамчиси кредит мақсадли ишлатилганлиги бўйича далолатнома беради. Шундай бўлиши мумкинми?

## КРЕДИТНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” НТТ ҳуқуқшуноси:

— Мумкин. Сабаби, ҳоким ёрдамчиси жойига чиқиб, мониторинг қилганидан сўнг маҳсулотни таъминотчига қайтариб бериш, маблағни мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари мавжуд. Шу қонунбузилишнинг олдини олиш учун банк филиаллари ходимлари жойига чиқиб ўрганади. Мониторинг натижасига кўра, кредит мақсадсизлиги аниқланса, тегишли далолатнома расмийлаштирилади. Бундан ташқари, кредит мақсадлилиги таъминланмаса ёки банк талабига кўра, маблағ муддатидан олдин қайтарилмаса, айбдорларга нисбатан чора кўрилиши юзасидан тегишли ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилиниши мумкин.

БИЛИБ ОЛИНГ!

## Чекка ҳудудларда ҳам мономарказ қуриладими?

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизликни баргараф этиш асосий вазифа ҳисобланади. Хатловда рўйхатга олинган ишсиз фуқаролар лаёқати, касбий малакасига кўра, ишга жойланади, ўзини ўзи банд қилади. Аммо касб-хунари бўлмаса-чи?

Мақсадбек ФАЙЗ.

Бу жараён ҳам этиборга олинган. Касб-хунар ўрганиш истагида бўлган ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли вакиллари учун барча ҳудудларда замонавий ўқув-амалиёт жиҳозларига эга “Ишга марҳамат” мономаркази ташкил этилган.

Ҳўш, бу ерда қандай касблар ўқитилади? Мономарказ сертификати билан ишга жойлашиш мумкинми? Ўқиш қанча муддат

давом этади, республика бўйича нечта ва қаерда бундай марказлар фаолияти йўлга қўйилган?

Тартибга кўра, ўз худудда ишсиз ҳамда касб-хунарсиз, деб топилган талабгорлар бу ерда меҳнат бозорига мос бўлган сервис ва хизмат кўрсатиш, техник-муҳандислик соҳалари, шунингдек, тадбиркорлик, 1С бухгалтерия, заргарлик, хорижий тил курслари каби 30 га яқин йўналишлардан бирини бепул ўрганиш имконига эга.

Ўқишни тугаллагач, бериладиган сертификат касб-хунар таълими дипломига тенглаштирилган. Бу ҳужжат орқали битирувчи муносиб иш топиши ёки ҳоким ёрдамчиси тавсияномаси асосида субсидия олиб, ўзини ўзи банд қилиши мумкин. Ўқиш касбларга қараб, 1 ойдан 6 ойгача давом этади.

Ҳозир Тошкент, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Наманган, Фарғона, Урганч, Навоий, Қарши, Нукус, Бухоро, Гулистон шаҳрида,

Ангор, Нурота, Кува, Денов, Оққўрғон туманларида шундай мономарказлар ишлаб турибди.

Бироқ хизмат юзасидан маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари билан суҳбатлашганимизда, чекка ҳудудларда мономарказ филиалини ташкил этиш фикрини илгари суришмоқда. Сабаби марказдан олисдаги маҳалла фуқаролари қатнашида муаммолар кузатилмоқда.



Ҳўш, бу ерда қандай касблар ўқитилади? Мономарказ сертификати билан ишга жойлашиш мумкинми? Ўқиш қанча муддат давом этади, республика бўйича нечта ва қаерда бундай марказлар фаолияти йўлга қўйилган?



Давлат хизматчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида 2 минг 671 та ҚОНУНБУЗИЛИШ ҲОЛАТИ аниқланди.



ДХХ: Қирғиз Республикасидан контрабанда йўли билан олиб келинган кучли таъсир қилувчи дори воситалари МУСОДАРА ҚИЛИНДИ.



Самарқандда 25-30 август кунлари “ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ” XIII халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

# “Хомашё етказувчи эмас, ишлаб чиқарувчига айланмоқчимиз”

Одатдандек, эрта тондан шига олдандим. Йўл-йўлаккай кечаги вазифалар нжросини таҳсил қилиб, янги режалар тузиб бордим. Идора оstonасида нкки нафар маҳалладошимиз кутиб турган экан. Улар билан салом-аломдан сўнг хонага таклиф қилдим. Келгани сабаби билан кизикдим. Сабулла Йўлдошев ҳамда Улугбек Қурбонов фарзандига ёрдам беришимни сўради.

Содик БАРАТОВ, Қарши туманидаги “Қаҳлак” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Айтишича, ҳар икковининг ўғиллари хорижга ишлаш учун кетмоқчи экан. Ота-оналар бунга қарши. Хатловда ишсиз сифатида

рўйхатга олингани учун ўзим ҳам уларнинг бандлигини таъминлаш чорасини излаётгандим. Узро суҳбатда йигитларнинг деҳқончиликка ўқуви борлигини билиб, Президент қарори асосида ер беришни таклиф қилдим. Таклиф маъқул келди. Кўп ўтмай, Сардор Қудратов ва Шоҳаббос Бекмуродов ўзи каби ишсиз ҳамда миграциядан қайтган 20 нафар тенгдоши қаторида 50 сотихдан ерли бўлди. Жами 10 гектар ерда ёшлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида деҳқончиликни бошлади. Биринчи экинга экилган қовун-тарвузлар ҳосилидан ёшлар яхши даромад олмақда. 50 сотих майдонга 3 миллион сўм сарфланган бўлса, бугун 10 миллион сўм даромад топишди. Хали яна бу миқдор ортади. Чунки пайкалда тарвузлар кўп. Бундан ташқари, тақрири экиндан яхши фойда қутиляпти. Маҳаллаимизда 3 355 нафар аҳоли яшаса, шундан 1 655 нафари ёшлар. Уларнинг



бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида раисимиз Бахрижон Уринов бошчилигида мунатазам ўрганиш олиб бораёғимиз. Охириги хатловда 27 нафар ишсиз, 113 нафар миграциядаги ёшлар рўйхатга олинган. Ўтган вақт давомида ҳар бир йигит-қиз билан индивидуал ишлаб, қизиқишини ўргандик. Бугун ишсизлар қолмаган, миграциядагиларнинг 30 нафари ватанга қайтди. Келгусида 20 нафар тенгдошига ҳавас қилган бошқа ёшларга ҳам ер ажратмоқчимиз. Улар етиштирган маҳсулотини қайта ишловчи корхона очиб, кўчма дўкон ташкил этиш таклифини билдирмоқда. Яъни, “даладан — бозорга” тамойили асосида хомашё етказувчи эмас, ишлаб чиқарувчига айланмоқчимиз. Бундан ташқари, томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш учун кўмак керак. Бу орқали сув танқислигининг олди олинади.

## ҲУҚУҚИЙ МИНБАР

# “Мулоқотда лавозим эгаси эмас, ёшларнинг дўстидек яқин бўламан”

Маҳаллаимиз уч йилдирки, нафақат ёшлар ўрганишда, балки умуман жиноятчилик содир этилмагани бонс вилоятда жиноятчиликдан ҳоли ҳудуд, дея тан олинган. Хўш, бунга қандай эришганимиз?

Нурилло РЎЗИМОВ, Балиқчи туманидаги “Сортепа” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Аввало, маҳалладаги ходимлар профилактика катта инспектори Хожиакбар Мирзақаримов билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаб, уларга ижтимоий-педагогик кўмаклашяёмиз. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича республикаимизда бир хил талаб ва кўрсатма амал қилади. Бирок, ҳар бир ҳудуднинг ўз хусусияти бўлади. Ана шу жиҳатни илғаб олишимиз керак. Маҳаллаимизнинг ўзига хос хусусияти — “Тошкент-Уш” халқаро магистрал йўл ёқасида жойлашган. Бу — ҳудудда аҳолига боғлиқ бўлмаган жиноят турлари содир этилиши хавфини оширади. Шу эҳтимолий хавфининг олдини олиш учун назорат камералари ўрнатдик. Бу билан асо-



сий марказий йўлдан ташқари, ички кўчаларни исталган пайтда кузатиш имкони яратилди. Қолаверса, ҳар бир кўчанинг ўз кўчабоши, ёшлар сардори бор. Улар маҳаллада обрў-этиборга, ҳурматга лойиқ инсонлар орасидан танлаб олинган. Ёшлар иштирокида “Қалқон” ташаббускор гуруҳи ишлаб турибди. Аслида барча иллатлар бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис ёшларни иш билан таъминлашга катта эътибор қаратяёмиз. “Маҳалла еттилиги” ходимлари ҳудуд аҳолиси, ёшлар дунёқарашига мос тарзда иш

ташкил қилганмиз. Шахсан ўзим лавозим эгасимас, балки ёшларга дўст сифатида яқин бўлишга интиламан. Муаммосини ҳал этишга ёрдамлашаман, тўй-маъракада елкама-елка тураман. Ташаббусим билан маҳаллада кичик маънавият ва маърифат маркази ташкил этганмиз. Бу ерда кутубхона фаолияти йўлга қўйилган. Яқин вақтда яна бир янгилек жорий этиляпти. Бу билан маҳалланинг ўзида барча соҳаларга сервис ва хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Яна бир ташаббус — мактаб руҳ-

шуносини жалб этиб, жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар билан суҳбат ўтказаман. Мутахассис ҳуло-сасига кўра, уларнинг таълим-тарбиясида ота-онаси билан бирга шуғулланамиз. Қизиқишига кўра, тўгаракка йўналтираман. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги асосида “Устоз-шогирд” аънаъаси йўлга қўйилган. Маҳаллада яшовчи турли соҳаларда қўлиб бўлган ёшлар иштирокида учрашувлар ташкил этилиши натижа-сида йигит-қизларда уйғонган ҳавас мақсадга айланмоқда.

Кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳудудда ёш етакчи тадбиркорлар иштирокида кооперация ташкил этиш керак, деб ҳисоблайман. Биринчидан, уларнинг тадбиркорлик ташаббуси қўллаб-қувватланса, иккинчидан, янги иш ўринлари яратилади.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

Равшан МУЛЛАЕВ, Дўстлик тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла.

— “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турман. Президент қарори асосида ёшлар етакчиси тавсияси билан деҳқончилик учун ер олганман. Менга уруғлик ва кўчат харид қилиш учун субсидия ажратиладими?

## УРУҒЛИК ВА КЎЧАТ ХАРИДИ УЧУН СУБСИДИЯ ОЛСАМ БЎЛАДИМИ?



Исломжон АБДУРАҲМОНОВ, “Мадад” НТТ ижрочи директори:

— Албатта, ажратилади. Бу тартиб “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланган. Унга кўра, “Ёшлар дафтари”га киритилган деҳқончилик ва томорка ҳўжалигини юритиш билан шуғулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчатлар харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 бараваригача миқдорда субсидия бериш кўзда тутилган. Бунинг учун талабгор 0,1 гектардан 1 гектаргача ер майдонига эга бўлиши керак. Аризага эғалигида ёки фойдаланишида бўлган ерга нисбатан ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (ижара шартномаси ва бошқалар), уруғлик ва кўчатлар харид қилиш бўйича етказиб берувчи ташкилот билан тузилган шартнома нусхаси тақдим этилади. Шартномада етказиб берувчининг номи, СТИР, харид қилинадиган маҳсулот тури, тўлов суммаси кўрсатилиши лозим.

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАКЛИФИ

Ҳудудлардаги ёшлар эҳтиёжини ўрганиш мақсадида Бухоро вилоятидаги ёшлар етакчилари таклифи билан танишдик. Жорий йилги хатлов натижасига кўра, бухоролик йигит-қизларнинг қандай таклифи бор?

# МАҲАЛЛАДА “IT”ГА ИХТИСОСЛАШГАН КУРС ЙЎҚ

Аҳаджон ХУДОЙБЕРДИЕВ, Когон шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Маҳаллада ўтказган хатловда 653 нафар ёшлар рўйхатга олинган. 8 нафар ишсиз аниқланиб, бугун барчаси ўзини ўзи банд қилди. Ёшларнинг бўш вақтининг мазмуни ўтказиш учун шаҳарда “Ёшлар маркази” ташкил этиш таклифини билдираман. Бундан ташқари, ҳудудда ахборот технологияларига қизиқувчилар кўп. Аммо ўқув курси йўқ. Шу боис “IT”га ихтисослашган курс очиш керак.



# “Эҳтиёжманд ёшларга ёрдам бера олмаёғимиз”

Бахриддин НАРЗУЛЛАЕВ, “Сўфкоргар” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Жорий йил бошида 1 503 нафар ёш рўйхатга олинган. Уларнинг 37 нафари ишсиз экани аниқланган. Ўтган вақт давомида барчасига зарур кўмак берилди. Натижада ишсиз ёшлар қолмади. Маҳаллада “Ёшлар гузари” ташкил этишга эҳтиёж бор. Ҳудудда 9 та қишлоқ бўлиб, 4 тасида яшовчи йигит-қизлар мактаб спорт майдонидан фойдаланиш имконига эга. Аммо 5 та қишлоқ ёшлари масофа олислиги сабаб спорт майдони қуриб беришни сўраган. Хатловда миграциядаги ёшлар қизиқишини ўрганишимизда аксарияти тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ер майдони ажратишни илтимос қилмоқда. Аммо маҳаллада бўш ер йўқ. Кейинги пайтда моддий ёрдам сўраб келувчи йигит-қизлар сони ортган. Айримлари



ҳақиқатдан эҳтиёжманд, оилавий аҳволи оғир. Уларни ҳолатига кўра, “Ёшлар дафтари”га киритяёмиз. Аммо тезкор моддий ёрдам бера олмаёғимиз. Етакчиларга шу масалада ваколат яратилса, самарадорлик ортарди.





**Объектларни фойдаланишга қабул қилишда қурилиш харажатларини баҳолашнинг «ҲАЖМ» УСЛУБИГА ўтилади.**



**Таъмирлаш ишлари сабаб ёпилган УРГАНЧ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ режада белгиланган вақтдан аввалроқ – 5-август кунни очилади.**



**Академик лицейларга кириш тест натижалари эълон қилинди, уни "my.edu.uz" расмий веб-сайтидан билиб олиш мумкин.**

# БЕПАРВОЛИК — қонунбузар учун айна муддао

Автомашина эшикларини, ойналарини очиб қолдирмаслик ҳақида оммавий ахборот воситаларида, жумладан, ижтимоий тармоқларда кўплаб огоҳлантиришлар бериб борилмоқда. Шунга қарамай, айримлар ҳамон ўз автомашиналари эшикларини, ойналарини очиб ҳолда қолдириб, етмаганига қалитларини ўт олдиришда ташлаб кетишмоқда. Ҳайдовчиларнинг бундай бепарволиги эса кўнгли эгри, қалби нопок кимсаларга қўл келмоқда.

**Нилуфар ИСОХОНОВА,**  
Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот хизмати бошлиғи.

**2023** йилнинг 14 августидан Суннатилла иш топиш умидида эмас, кимнингдир буюмини ўғрилади, сотиб пулини еб-ичиш ҳақида ўйлаб, кўчага чиқди. Тер тўкиб меҳнат қилиш, бирор касбнинг эстагидан тутиб, ҳалол ризқ теришни ҳаёлига ҳам келтирмаган Суннатилла

Шайхонтохур туманида жойлашган хўжалик моллари дўкони ёнида турган "Damas" автомашинасига яқинлашди. Очиб ойнасидан мўраласа, ичида 2 млн. 600 минг сўмлик "Samsung Galaxy A 02" телефони турибди. Аста олиб, чўнтагига солиди ғойиб бўлди. Ўзиники эмас-да, пули куймаган, нотаниш кимсага 300



**Суннатилла кабилар эркин яшашнинг баҳоси нақадар баланд эканини тушуниб етишлари керак, деб ўйлайман. Ҳалол ишласа, ўғрилад сотилган молларнинг пулларидан ҳам кўпроқ пул топиши мумкин-ку!**

минг сўмга сотиб юборди. Орадан уч кун ўтиб, "Чорсу" маҳалласида жойлашган озиқ-овқат дўкони олдида Абдумажидовга тегишли "Labo" автомашинасини нишонга олди. Эшиги очилгидан фойдаланиб, 2 млн. 383 минг сўмлик "Pecmi note 9" телефони ўғирлади. Бели оғримгани нон ейишини кўр, деганидек уни ҳам арзимаган пулга сотиб юборди. Пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Бироқ Суннатилланинг қароқчилиги узоққа чўзилмади. Навбатдаги ўлжани қидираётганда қўлга тушди. – *Илгари беш марта судланганига қарамай, Суннатилла озодликнинг қадрига етмаган кўринади, – дейди Шайхонтохур тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси,*

**катта лейтенант Мадад Жўраев.** – *Ким-ким, аммо Суннатилла кабилар эркин яшашнинг баҳоси нақадар баланд эканини тушуниб етишлари керак, деб ўйлайман. Ҳалол ишласа, ўғрилад сотилган молларнинг пулларидан ҳам кўпроқ пул топиши мумкин-ку! Афсуски, ҳалол меҳнат қилиш бундайларнинг ҳаёлига ҳам келмайди.* Жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани суди 1983 йилда туғилган Суннатиллани Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасига ("Ўғрилик") кўра айбдор деб топиб, етказилган зарарнинг ўрни қопланганини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда тўрт йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

## ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

# “Жиноятчиликни жилловлаш учун тунги чироқлар керак”

“Шоирлар” маҳалласи туман марказидан олinda, кўшн Урганч тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Уч минг олти юз нафар аҳолининг аксарияти қишлоқ хўжалиги, асосан, поллиз маҳсулотлари етиштириш билан шугулланади. Жорий йил мигранциядан қайтарилган эллик нафар маҳалладошимизга кредит, субсидия ва ер берилиб, бандлиги таъминланди.

Фуқаролар ишли бўлса, муаммолар ўз вақтида ҳал этилса, жиноятчиликка ўрин қолмайди. Бу масалалар етарли ҳал этилмагани боис 2022 йил маҳалла “қизил” тоифада эди. Бу ерда иш бошлашга, дастлабки вазиятни хондонлар кесимида ўргандим. Биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик.

Илгари ўғрилик ва тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар қайд этилгани учун аҳоли ўртасида профилактик суҳбатлар

ўтказиб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтирдик. Фуқароларнинг турли фибрибгарлар чангалига тушиб қолмаслиги учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериб келаямиз. Бу борада маҳалла ҳудудида турли оғоҳлик баннерларини ўрнатиб чиқдик. Мақсадимиз, жиноятчини жазоланмас, жиноятчиликнинг олдини олишдир.

Бу ишлар асло тўхтагани йўқ. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини аниқлаб, “маҳалла еттилиги” ва жамоатчилик тузилмалари билан биргаликда уларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Аввало, маҳалланинг 12 та кў-

часининг асосий қисмларига тадбиркорлар кўмағига 42 та кузатув камераси ўрнатдик. Уларнинг ярими хизмат хонамга интеграция қилинган. Агар инсон юзидан, автотранспортларни давлат рақамидан аниқлайдиган замонавий камералар ўрнатилса, ҳар қандай жиноятчиликни тезкор аниқлаш мумкин. Чунки бугунги тараққиёт замонида жиноятчиликнинг ҳам тури кўпаймоқда.

“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, барча ишларни биргаликда ҳал этиялмиз. Чунки ҳар бир масала бир-бири билан боғлиқ. Хусусан, нотинч оилалардаги муаммолар ҳам. Бу масала кўпроқ рашк, ишсизлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиши оқибати билан боғлиқ бўлгани учун кўпроқ маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси иштирокида ҳал этилмоқда. Шу вақтгача бешта нотинч оиланинг учтаси яраштирилди. Қолган икки оила билан ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.



“Маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, барча ишларни биргаликда ҳал этиялмиз. Чунки ҳар бир масала бир-бири билан боғлиқ. Хусусан, нотинч оилалардаги муаммолар ҳам.

## КУН МАВЗУСИ

### Йўлаклар олдида

# АВТОМАШИНА ҚЎЙИШ ТАҚИҚЛАНАДИ



Тасаввур қилинг, қайсидир кўп қаватли уйларда ёнгин содир бўлмоқда. Ва у ерга тез тиббий ёрдам ҳамда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари зудлик билан етиб боришлари керак. Аммо улар ҳаракатланувчи йўлларда қандайдир тўсиқлар ёки машиналар бўлса, у йўлда ҳаракатлана олмай қаққирув бўлган жойга кеч боришлари мумкин.

Фавқулодда ҳолатларда ҳар бир сония муҳим. Йўллардаги тўсиқлар сабабли кеч қолинадиган бўлса, воқеа жойида талофат катта бўлиши ёки кимнингдир ҳаёти хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Йўл-ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати ходимлари билан ҳамкорликда пойтахтимиз бўйлаб кўп қаватли уйлар атрофида махсус автомашиналарнинг эркин ҳаракатланганини таъминлаш учун рейд

тадбири ўтказилди. Унда “Тез тиббий ёрдам” ва ўт ўчириш автомобилларига йўл бермаган ва кўп қаватли уйлар олдини шахсий автомобили учун махсус жой сифатида ўзбошимчилик билан эгаллаб олган ҳайдовчилар аниқланди.

Бундай ҳолатлар Чилонзор тумани 16-мавзе ҳудудидаги кўп қаватли уйлар олдида ҳам кузатилди.

– *Урганишлардан маълум бўляптики, айрим ҳайдовчилар кўп қаватли уйлар атрофидаги йўлакка автомашинасини қолдириб кетгани учун “Тез тиббий ёрдам” машинаси ўз манзилига етиб боролмаяпти, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ИХББ ахборот хизмати бошлиғи Қахрамон Худойберганов.* – *Аслида кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақлари олдида автомашиналарни қўйиш қатъи тақиқланади. Сабаби, “Тез тиббий ёрдам” ва ўт ўчириш автомобиллари ҳажми йирикроқ ҳисоблангани учун бундай тор йўлақларда юриши қийин.*

Фуқаролар бундай ҳолатдан норози. Яқинда бир аёлни тўлғоқ тугганда “Тез тиббий ёрдам” машинаси қаққирлади, бироқ ҳайдовчилар автомашиналарини кўп қаватли уйлар олдида нотўғри

қўйиши натижасида манзилга етиб келолмаган. Натижада аёлнинг ўзини “Тез тиббий ёрдам” машинасига олиб боришга мажбур бўлишган.

Чилонзор туманидаги яна бир ҳолатда эса аҳоли вакиллари томонидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз автотураргоҳга кириш йўли тўсиб қўйилгани аниқланди. Агар шу ҳудудда фавқулодда ҳолат юз берадиган бўлса махсус машиналар ўтолмайди.

Урганишлар давомида йўлларга ўзбошимчилик билан ўрнатилган тўсиқлар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари ёрдамида олиб ташланиб, имтиёзли автомашиналарнинг эркин ҳаракатлангани таъминланди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйлаб кучайтирилган рейд тадбирлари давом этмоқда. Бундан кузланган асосий мақсад – ҳайдовчиларни жаримага тортиш эмас, балки тез тиббий ёрдам ва ўт ўчириш автомобиллари қаққирув бўлган вақт давомида ўз манзилига зудлик билан етиб боришларини таъминлашдан иборат.

Довудхон ҒУЛОМЖОНОВ.

Тунги қоронғулик жиноятчилар учун қулай макон. Шу боис тегишли ташкилотларга ҳеч бўлмаса ҳудудимиздаги учта марказий кўчага тунги ёриткич чироқлари ўрнатиб беришларини айтганмиз. Бироқ ҳозирча ижобий натижа йўқ.

Ҳозир ёзги таътил. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис ёшлар етакчиси билан биргаликда мавжуд имконият ва шароитлардан келиб чиқиб, уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш учун тиббиёт пункти биносида шахмат-шашка, китобхонлик

тўғаракларини ташкил этганмиз. Маҳалладаги янги қурилган 5-мактабнинг спорт зали ҳам, фаоллар зали ҳам йўқ. Агар мана шу қулайликлар яратилганида ёшлар янада кўпроқ тўғаракларга жалб этиларди.

Фаолиятимизда асосий мақсадим, ҳозиргидаги маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудуд сифатида барқарор сақлаш ва фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашдир.

**Бекбўлсин ЙЎЛДОШЕВ,**  
Янгибозор туманидаги “Шоирлар” маҳалласи профилактика инспектори.

## БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

# Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик бор

**Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатиш жавобгарликка сабаб бўлади.**

Хусусан, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан **ўн бараваригача миқдорда жарима солинади.**

Жиноят кодексга асосан эса сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш вақтида мансабдор шахслар, сиёсий партиялар ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари, ташаббускор гуруҳлар ёки сайлов ёхуд референдум комиссиялари аъзолари томонидан

овоз беришнинг яширинлигини бузиш, сайлов ёки референдум ҳужжатларини қалбақлаштириш, сайлов ёки имзо варақаларига сохта ёзувлар қиритиш, берилган овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд **уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**



Бухорода "Ички туризм ярмаркаси" ва "МИЛЛИЙ СУВЕНИРЛАР" фестивали бўлиб ўтди.



Ўзбекистонлик юк ташувчи ва автобус ҳайдовчилари СЛОВАКИЯДА ИШЛАШИ МУМКИН.



1-синф учун МИКРОХУДУДДАН ТАШҚАРИ мактабларга қабул бошланди.



БИЛАСИЗМИ?

## «БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШЎЪБАЛАРИ» ҚАНДАЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРАДИ?

Туман (шаҳар) «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш шўъбалари" етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайди ва "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимига киритади.

Васийлик ёки ҳомийликка, оилага тарбияга (патронат), фарзандликка бериш, оилавий болалар уйини ташкил этиш ҳамда унга болани жойлаштириш ишларини амалга оширади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойга муҳтож сифатида рўйхатга қяди.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни мулккий ҳуқуқини таъминлайди: нотариал ҳаракатларда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг мерос ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга "Меҳр дафтари" жамғармасидан моддий ёрдам ажратилишида ёрдам беради ва қонун билан ўрнатилган бошқа вазифаларни бажаради.



## ВАСИЙЛИК ТАЙИНЛАШ ТИЗИМИ СОДАЛАШТИРИЛСА...

Болаларнинг яшаш шароити жуда оғир эди. Уй йиғиштирилмаган, ошхонани суварак босиб кетган. 6 нафар фарзандни дунёга келтирган ота-она уларнинг парварши, қоринни тўқлаш ҳақида қайғурмаслиги шундоққина кўриниб турарди. Ҳатто кўни-кўшнилар тозалikka рияз қилмагани учун бу оила устидан бир неча бор масъул идораларга шикоят қилган.

Маржон СИДДИҚОВА, Нукус шаҳридаги "Элбод" ва "Нур" маҳаллалари ижтимоий ходими.

Оиланинг тўнғичи 11 ёш бўлса, кенжаси ҳали ойлик чақалоқ. Орада 2015 йилда туғилган қизининг ногиронлиги бор. Кўриниб турибдики, болалар чиндан ҳамхўрлик ва алоҳида эътиборга муҳтож. Лекин эр-хотин ҳеч қаерда ишламайди. Ҳатто уй-жойини саранжом-саришта қилишга хоҳиши йўқ. Бундай шароитда гўдаклар тарбияси нима бўлади, деган савол кишини ўйга толдирарди.

Вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида мутасадди ташкилотлар ҳамда ҳокимлик вакиллари билан 5 нафар болани вақтинча реабилитация марказига жойлаштирдик. Чақалоқни эса болалар уйига беришга мажбур бўлдик. Эр-хотин

билан бафуржа сўхбат олиб борилди. Эракнинг ишга жойлашиши кераклигини тушунирдик. Агар яшаш шароитини яхшилаб, болалар учун қулай муҳит яратиб беришса, фарзандлари қайтариб бериладиган бўлди.

Шундан сўнг улар йўл қўйган камчиликларини тушуниб етишди. Ота тез фурсатда ишга жойлашди. Ишхонасининг кўмаги билан уйини таъмирдан чиқарди. Дезинфекция қилиб, хоналарни ҳашаротлардан тозаллади. Аёл супур-сидир қилиб, чанглари артди. Хонадоннинг озода ва файзли бўлиб қолганидан ўзининг ҳам кўнгли ёришди.

Болалар жуда сабрли экан. Гарчи анча вақт қийин аҳволда қолган бўлишига қарамай, бирортаси нолимади. Ота-онасини яхши кўриши, ҳаммаси ўзгаришига умид қилаётганини таъкидлади. Икки ойдан кўпроқ вақт мобайнида улар марказда таълим-тарбия олди. Психологлар ёрдамида

руҳан тетиклашди. Шундан кейин ўз яқинлари бағрига қайтарилди.

Ҳар сафар йўлим тушиди дегунча шу оиладан хабар оламан. Вазият аввалгига қараганда анча яхшилланган. Лекин отанинг олаётган 3 миллион сўм маоши билан рўзғор тебратиб қийин. Шунинг учун уларга "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали ногирон қизининг даволаши, коммунал тўловларни тўлаш ва моддий ёрдам ма-салаларида ёрдам беришни режалаштирдик.

Уйма-уй юриб, фуқароларнинг шу каби муаммолари бўйича 13 та кейс очилди. Ногиронлик гуруҳини ўзгартириш, болалар нафақасини тайинлаш, якка-ёғиз яшаётган кексаларга кўмаклашиш борасида тизимий ишлар олиб борилмоқда.

Бир аёл маҳалла идорасига келиб, 2 нафар фарзандини онасига қолдириб, ўзи қўшни давлатга ишлашга кетаётганини айтди. Ёши улус онахон ҳужжатларни тўриллаб, болаларни расман васийликка олди.

Бундай ҳолатлар маҳалла тизимида тез-тез учраб туради. Лекин айрим кекса

ёшли инсонларнинг ортиқча югур-югурга тоқати йўқ. Аслида ҳам битта болани васийликка олиш учун 21 та ҳужжат йиғишга тўғри келади. Бундан ташқари, турли тиббий кўриклардан ўтиш керак. Айрим сабри етмаган кишилар васий бўлишни хоҳлашмаяпти.

Шу ўринда бир таклиф киритмоқчи эдим. Айтиш керакки "Инсон" ижтимоий хизматлар марказида фаолияти йўлга қўйилган тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига васийлик ишлари бўйича талаб қилинадиган тиббий хулосалар бериш ваколати юклатилса, фуқароларга анча қулай бўларди.

Бугун маҳаллаларда ишлаётган ҳар бир ижтимоий ходим ўз олдига инсонларга чин дилдан ёрдам беришни мақсад қилиб қўйган. Ҳамкасбларининг интилиши ва эришяётган ютуқларини кўриб қундан-қунга янги ғоялар туғилади. Ҳаёлим доим давлатга эҳтиёжманд оиланинг мушкулларини осон қилиш йўллари излаш билан банд. Бизга билдирилган ишонч ва берилган ваколат билан халқимизнинг ҳар бир вақтини ижтимоий фаол инсонга айлантиришга бурчлимиз.

ЖАРАЁН

## ИЗЛАБ ИМКОН ТОПАЁТГАНЛАР

Пешку туманидаги "Боғимусо" маҳалласида яшовчи 21 ёшли Нурмуҳаммад Убайдуллаев 2-гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, ҳозирда ҳам ўқиб, ҳам ишлаяпти. У Бухоро давлат университетининг 3-босқич талабаси.

Зарнигор НАФИДДИНОВА.



Бундан ташқари, туман Микрокредитбанк бўлимида Кредитларни бошқариш ва мониторинг шўъбаси биринчи тоифали мутахассиси лавозимига фаолият юритади.

— Мутахассислигим бўйича ишга кирдим, — дейди Нурмуҳаммад Убайдуллаев. — "Инсон" маркази ходимлари васаспу.argo.uz орқали ҳужжатларимни топширишга кўмаклашди. Сўхбатдан муваффақиятли ўтдим. Ишимдан мамнунман. Ногиронлик нафақамга қўшимча равишда олаётган маошим бекам-қўст таъминлашга имкон беряпти.



Маълумот ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда Бухоро вилояти бўйича 336 тага яқин бўш иш ўрни эълон қилинган бўлиб, 1 301 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ариза топширган. 631 нафар фуқаро билан сўхбат жараёни олиб борилмоқда. 91 нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланди.

# Муҳтожлар мушкуллари енгиллашмоқда

Қаттақўрғон шаҳридаги "Зомин" маҳалласига бириктирилган ижтимоий ходим оилалар аҳволини ўрганишда, Адолат Саматованинг электрон аравачага ва унинг буви Си Тўти Эргашеванинг эшигини мосламасига муҳтож эканлиги аниқланди.



Сардор ЛУҚМОНОВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Шундан сўнг, кейс очилиб, фуқаролар муҳтожлигига кўра реабилитация қилишнинг техник воситаси ва протез ортопедия мосламаси билан таъминланди. Шунингдек, Адолат Саматова таълим олишга жалб қилинди.



Аввал аҳолининг бундай муаммоларига ечим топиш анча вақт ва сабр талаб қилган. Эндиликда тизим тобора соддашатирилиб, фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжлари қисқа фурсатларда ижобий ечим топмоқда.

Тегишли қонун ҳужжатига кўра, 2024 йил 1 мартдан бошлаб хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг протез ва реабилитация воситаларини, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларини

куриб чиққанлик ва тегишли гувоҳнома берганлик учун ундириладиган йиғимлар миқдори 50 фоизга камайтирилди. Давлат томонидан кафолатланган тарзда таъминланадиган протез ва реабилитация воситалари турлари 18 тадан 30 тага кенгайтирилди.

2024 йил 1 майдан бошлаб протез ва реабилитация воситалари хариди учун давлат муҳтож шахсларга қоллаб бериладиган маблағлар миқдорини бозор

ИСЛОҲОТ

конъюктурасидан келиб чиқиб, ўртача уч барабаргача, айрим турларини эса ўн барабаргача оширди.

Республика бўйлаб босқич-ма-босқич муҳтож шахсларни протез ва реабилитация воситалари билан таъминлашнинг "ваучер" тизими йўлга қўйилмоқда. У қатор енгиликларни яратди. Аввал тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясида навбатда туриб, ногиронлик белгиланган бўлса, энди бу автомат тарзда амалга оширилмоқда.

ПОМ ва РТВ га муҳтожлик ҳам ногиронлик белгиланаётган вақтда қайд этилмоқда ва керакли воситани сотиб олиш учун ваучерни давлат тақдим этмоқда. Протез маҳсулотини олиш учун олдин 67 кун қўйилган бўлса, ҳозир бу муддат 30 кун (мураккаб протезлар 45 кун)ни ташкил этади. РТВ маҳсулотини эса 5 кун (олдин 52 кун) ичида олиш имкони яратилди.

Фуқароларда танлов ҳуқуқи, тез ва осон тарзда кафолатланган маҳсулот олиш имконияти пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтга келиб, электрон тижорат платформаси орқали 70 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари 307 турдаги маҳсулотларини my.ihma.uz платформасига жойлаштирди.

Вилоят миқёсида 5 011 нафар ногиронлиги бўлган ҳамда кекса қишдаги фуқаролар реабилитация қилишнинг техник воситалари билан, 504 нафари эса протез-ортопедия мосламалари билан таъминланди, шунингдек, 974 нафар ногиронлиги бўлган шахслар ва 262 нафар ногиронлиги бўлган болалар реабилитация қилиниб, уларнинг соғлигини тиклашга эришилди.

ЛОЙИҲА

## Ишга олмасангиз, жавобгар бўласиз

"Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси эълон қилинди.



Лойиҳага кўра, маҳаллий меҳнат органлари йўлланмаси асосида ишга юборилган шахсларни, шу жумладан, "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари талабномаси бўйича юборилган, таъйин ва зўравонликдан жабр кўрган, тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлган хотин-қизларни ишга қабул қилишни бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлгани ҳолда асоссиз равишда рад этган давлат ташкилотларига, давлат улуши эллик фоиз ва ундан юқори бўлган ташкилотларга жавобгарлик белгиланган меъёрлар киритилмоқда.

Лойиҳа муҳокамаси 16 августга қадар давом этади.

ЭЪЛОН

## ЎЗБЕКИСТОН МАХАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тадбиркорлик субъектларидан "Маҳалла сервис компанияси" МЧЖ фаолияти учун зарур техник воситалар ва ускуналар — электр мотороллер, мотокультиватор, дезинфекция ускунаси, пультверизатор (компрессори билан), электр генератор, мотоарра, болгарка, перфоратор, шруповёрт, пайвандлаш ускунаси бўйича тижорат таклифлари қабул қилинади. Ҳар бириндан 1 (бир) дона миқдорда таклиф билдирилиши зарур.

Ички танлов 2024 йил 5 август кунини соат 10:00 да Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси биносида бўлиб ўтади.



Ўзбекистонлик  
7 нафар пара сузувчи ёзги  
Паралимпия ўйинларига  
25 ТА ЙЎЛЛАНМАНИ  
қўлга киритди.



Дзюдо бўйича эркалар  
ўртасидаги 100  
килограммгача вазн  
тоифасида Музаффарбек  
Турабоев Олимпия  
ўйинларининг БРОНЗА  
МЕДАЛИГА сазовор бўлди.



ДИЁРА КЕЛДИЁРОВА  
мусобақада кийиб  
курашган кимоносини  
Халқаро Олимпия  
қўмитасининг музейига  
совға қилди.

ЖАРАЁН

# Мақсадимиз битта: МУКАММАЛ БИЛИМ, Фойдали МЕХНАТ

Навоий вилояти хотин-қизлар тадбиркорлик маркази мураббийи Дилнавоз Қораева қўли тул тикувчи. Ундан хунара ўрганиши шунда бўлган аёллар жуда кўп. Навоий шаҳри, Кармана, Навбахор, Нурота, Хатирчи туманларида кўплаб шогирдлари бор. Маҳалла аёлларидан “Сиз тикувчиликни қимдан ўргандингиз?”, деб сўрасангиз, бир овоздан Дилнавоз Қораевани эътироф этингиз.

– Икки йилдан буён мана шу тадбиркорлик марказида хотин-қизларга тикувчилик сирларини ўргатиб келмоқдаман, — дейди Дилнавоз Қораева. — Шу билан биргаликда, мўъжазгина тикув хонасини ҳам ишга туширганман. 2023 йилда “Аёллар дафтари”да турувчи 200 дан ортиқ хотин-қизга хунара ўргатдим. Уларга субсидия асосида

тикув машиналари олишга қўмақлашди ҳамда худудлардаги тикувчилик корхоналарига ишга жойлаштиришда ёрдам бердик. Шогирдларимизнинг 10 нафарини ўзим ишга олдим. Улар орасида ногиронлиги бўлган опа-сингилларимиз ҳам бор. Ҳар гал ўқувчиларимизнинг меҳнати орқали мамнун бўлганини кўриб, ҳаракатларим бесамар

**Хилола СИДДИҚОВА,**  
Республика хотин-қизлар  
тадбиркорлик маркази  
директори вазифасини  
вақтинча бажарувчи.

кетмаётганидан қувонаман. Шунингдек, Тошкент шаҳар хотин-қизлар тадбиркорлик марказида юзлаб аёлларнинг кўнглига йўл топа олган, миллий ва замонавий тақинчоқлар яшаш ўқув курси мураббийи Нилуфар Бойматованинг дарс жараёнларини кузатар экансиз, хотин-қизларнинг бу хунарага қизиқишлари юқори эканга гувоҳ

бўласиз. — Ўзимга турли тоифадаги аёллар хунара ўргатгани келади, — дейди Нилуфар Бойматова. — Уларнинг дардлари, ташвишлари бир-бириникидан фарқ қилиши мумкин, бироқ барчасининг мақсади битта. Яъни шу соҳани мукаммал ўрганиб, оиласи, рўзғори, фарзандларининг кам-кўстини бутлаш, фойдали меҳнат билан банд бўлишдан иборат. Ўқув курсларимизга нафақат ёш қизлар, балки онахонларнинг келиши, менга “устоз” дея мурожаат қилиши ғурур бағишлайди. Ҳар бири ўзи ясаган тақинчоқларни қўлига олиб қувонганини кўрсан,

кўнглим равшан тортади. Айрим ўқувчилар ясаган қўл ишларини бозорда сотишни йўлга қўйиб, даромад топишни бошлашган. Бу қилаётган меҳнатимиз маҳсули демак. Республика хотин-қизлар тадбиркорлик маркази шу каби амалий ишлар қўламини тобора кенгайтирмоқда. Хусусан, “Аёллар дафтари”нинг 1 ва 2-тоифасига кирган хотин-қизларни бепул касб-хунарага ўқитиш, уларни тадбиркорликка йўналтириш мақсадида 30 дан ортиқ дастурлар ишлаб чиқилган. Юртимизнинг энг олис овулидан тортиб, қишлоғу шаҳарларимизда ҳудудий

хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари мураббийлари тикувчилик, миллий қўғирчоқлар яшаш, пазандчилик, оилавий боғча ташкил этиш, чорвачилик, бухгалтерия асослари, арт-дизайн, миллий ва замонавий тақинчоқлар яшаш, тадбиркорлик асослари, компьютер сабоқлари, зардўзлик, каштачилик, сартарошлик, балиқчилик, асаларичилик каби йўналишларда аёлларни ўқитиб, уларга марказнинг махсус сертификатлари топирилмоқда. Битирувчилар орасида ўзининг кичик бўлса-да, тадбиркорлигини йўлга қўйганларининг борлиги, қувонарли ҳол.

ЛОЙИХА

## ИШЛАГАН ҲАР БИР АЁЛГА ТУҒИШ НАФАҚАСИ БЕРИЛАДИМИ?

Туғиш ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) нафақаларини ҳусусий секторда тўланмаслиги ёки ортиқча тўловлардан қочини мақсадда иш берувчилар аёлларини, айниқса хомла дорларини ишга олмастик ёки ишдан бўшатини ҳолаглари ҳозир ҳам учраб турибди. Ўрашчилар нафақасида 25 та ҳусусий корхонадан 12 тасида касаллик нафақаси, 15 тасида туғиш ёки касаллик нафақаси умуман тўланмагани аниқланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилган “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасида шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ундан давлат ижтимоий суғуртаси тизими ва давлат ижтимоий суғуртаси тўловларини тўлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ўрин олмақда. Шу орқали инсон ҳаёти ва фаолияти давомида вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганида (ўзи ёки фарзанди касал бўлганда, қисқа даволанишда, туғруқ даврида) ёки ишсиз қолганида уни ижтимоий қўллаб-қувватлаш назарда тутилмоқда. Қолаверса, тадбиркорлар ижтимоий таъминот тўловларига оид ортиқча юкламадан озод қилинади.

Лойиҳани қуйидаги уч босқичда амалга ошириш белгилаб қўйилмоқда.

Биринчи босқичда 2025 йил 1 июлдан бошлаб барча суғурталанган аёлларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилади.

Иккинчи босқичда 2026 йил 1 январдан барча суғурталанган жисмоний шахсларга, уларнинг бандлик ва меҳнат фаолияти тури, суғурталаш манбасидан қатъи назар, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлаб берилади.

Учинчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига асосан суғурталанган шахсларга ишсизлик нафақаси ва бошқа турдаги тўловлар жорий этилиши кўзда тутилмоқда.



МАНЗАРА

# БАХТНИ ХЕЧ КИМ ҚЎЛИМИЗГА ТУТҚАЗМАЙДИ

Маҳалла идорасига кўзда ёш билан кўриб келган аёлнинг кўрсам, кўнглимда қаттиқ бир ганилик туяман. Унинг ганини аритиш, хотиржам бўлиши учун ўна заҳотиёқ ишга киришмаман. Маҳалла ходимлари билан бирга муаммонинг сабабларини ўрганамиз. Хонадонига бориб, онда аъзолари билан суҳбатлашамиз. Узаро келишимовчилик юзага келган бўлса, уни бартараф этини чорасини кўраемиз.

**Мунаввара РАҲМОНОВА,**  
Когон шаҳридаги “Бунёкор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Хотин-қизлар билан ишлашнинг масъулияти катта. Оилалардаги низолар сабаб жабрдийда бўлиб қолаётган келинлар бахтли яшаб кетиши учун бор эътиборимизни қарата-

миз. Айниқса, ёш оилалар учинчи шахс аралашуви сабаб ажралиш ёқасига бориб қолаётган ҳолатлар бор. Қайнона, баъзан қайноталар ўртага совуқчилик солиб қўй-япти. Уларга қарата арзимас камчиликини

бўрттиргандан кўра, ёшларга насихат қилсангиз бўлмайди, дейман доим.

Жорий йилда шу каби оилаларнинг 7 тасини яраштиришга муваффақ бўлдик. Маҳалламиздаги хонадонларнинг барчаси тинч-осойишта яшаши учун астойдил ҳаракат қилияпти. Аёл яқинларининг хурмат ва эътиборини хис қилсагина, ҳар бир ишга меҳр билан ёндашади. Ички қобилиятларини намоён этишга куч топади.

Айни вақтда маҳалламизнинг 15 нафар келини ҳам рўзгорини гуллаб, ҳам олий таълим муассасасида тахсил олишни удуллаяпти. Замонавий қайноналар “Ўқигани маъқул, қўлида хунари бўлса, ишини осон топади”, дейди.

Ҳақиқатан, хунара ўрганиб, касб эгаси бўлаётган аёллар даромад топяпти. Турмуш ўртоғига қўмакчи бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, маҳалладошимиз Албина Қажҳорова 10 йилдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келади. Турли қандолат маҳсулотлари тайёрлаб, махсус дўконида уларнинг савдосини йўлга қўйган. 10 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаб келмоқда. Иш қўламини янада кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олишни режалаштирган.

Инсон истайдими, йўқми барибир атрофдагилардан таъсирланиш ҳислатимиз бор. Аёл боши билан катта натижаларга эришаётган Албинани кузатиб юрган бошқа хотин-қизлар ҳам ўзини синаб кўришга киришган. Гулҳеҳра Зодаева ва Феруза Мирзаева уйда турли кўринишдаги сомса, тухумбарак ҳамда чучвара каби пишириқлар тайёрлаб, тўй ва маъракаларда дастурхонларнинг тўкин-сочин бўлишига ўз хиссасини қўшмоқда. Шунинг ордидан кунига 350-400 минг сўм атрофида даромад топяпти.

Иил бошидан буён 44 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлади. Яна ишлаш истагида бўлган 5 нафар аёлни фойдали меҳнатга жалб қилиш ниятидамыз. Йўл-йўлакай қаерда бўш иш ўрни бор, кимга ишчи керак суриштириб юраман. Ишлаб чиқариш корхоналари ва тикувчилик фабрикалари билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ҳар бир аёл бахтли яшашига ҳақли. Лекин уни ҳеч ким қўлимизга тутқазиб қўймайди. Барчасига ўзимизнинг ҳаракат ва интилишларимиз билан эришамиз. Олдимизга мақсад қўйиб, аниқ режалар асосида одимласак, ҳам хурмат қозонамиз, ҳам ҳаётда ўзи йўлимизни топамиз.

# ҲАР БИР ГЎДАК ОНА СУТИ БИЛАН ОЗИҚЛАНИШИ КЕРАК

Дунё бўйлаб бутунжаҳон она сuti билан озиқлантириш ҳафталиги бошланди. Шу муносабат билан ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўшма ҳисоботи эълон қилинди.

Унда қайд этилишича, сунгги 12 йил ичида бу борада ижобий ўсиш тенденцияси кузатилмақда. Хусусан, ана шу даврда сайёрамиз бўйича она сuti билан озиқланидиган олти ойликкача бўлган чақалоқлар сони 10 фоизга кўпайгани қувонарли.

Бу жаҳонда 48 фоиз гўдаклар соғлом ҳаёт бошлаш имкониятига эга бўлганини аниқлатади. Ушбу статистика ЖССТнинг 2025 йилда кўкрак сuti билан парваришланадиган болалар сонини 50

фоиздан оширишга доир глобал мақсадларига яқин.

Бироқ ҳали мазкур йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммоли масалалар бор. Ваҳо-ланки, чақалоқларни она сuti билан озиқлантириш даражасини яхшилаш орқали йилгига 820 минг нафардан зиёд боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин. Кўкрак сuti таркибидаги антитаналар гўдакни турли касалликлар, айниқса, хавфли патологиялардан ҳимоялайди. Соғлом ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Ўз навбатида, оналарнинг саратон ва баъзи юқумли бўлмаган хасталикларга чалиниш хавфини камайтиради.

Бироқ кўп аёллар фарзандини кўкрак сuti билан озиқлантириш борасида малакали тиббий масалаҳат олиш имкониятига эга эмас. Баъзилари эмизишнинг чақалоқ ва она саломатлиги учун нақадар муҳимлигидан беҳабар.

Айрим мамлакатларда сунъий озуқаларни реклама ва тарғиб қилишга доир етарли чекловлар ўрнатилмаган. Она сuti билан парваришланиш қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмаган. Бу борада доимий мониторинг дастурлари мавжуд эмас.

Меҳнат қонунчилигида белги-ланган — ходимга эмизиш бўйича танаффуслар бериш каби меъёрларга риоя этилиши назорат қилинмайди.

Бутунжаҳон она сuti билан озиқлантириш ҳафталиги давоми-да ушбу масалалар муҳокамалар марказда бўлиши кутилмоқда.

САЛОМАТЛИК



Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси  
Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ  
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «МАHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ  
Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 5 080 нусxada чоп этилди. Буюртма №: Г-820  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.